

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ШАРҚ МУСИҚАСИ ФАКУЛЬТЕТИ
“ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК” КАФЕДРАСИ

Бахтиёрова Насиба

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ
ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ
(дутор чолғуси мисолида)

“5150700 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)” йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий-ижодий раҳбар:
доцент, Р.Ходжаева

Тошкент-2017

Мундарижа

КИРИШ

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

- 1.1. Мусиқий чолғулар Ўзбек халқининг моддий ҳамда маънавий бойлиги сифатида
- 1.2. Ўзбекистонда дутор чолғу ижрочилигининг ривожланиш тенденциялари

II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ

- 2.1. Ижро дастури нота матни, сўзлари ва тавсифи (“Савти калон” туркум асар, “Сақили Наво”)
- 2.2. Бастакорлар асарлар нота матни ва тавсифи (“Наззора қил”, “Қора Дали”)

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мусиқий чолғулар инсоният маънавиятини жангларда тараннум этувчи восита, яъни халқ ижодиёти маъсули бўлиб, азал-азалдан омма орасида шаклланиб, моҳир соз усталари томонидан ясалиб, тобора мукаммаллашиб келаётган мўжизавий ва ифодавий асбоблардир. Чолғуларда ҳар бир халқнинг миллий ғурури, анъанаси, қадриятлари ўз ифодасини топганки, улардан тараладиган овоз ҳам шунга мослашган. Булар барчаси яратилажак чолғуларнинг шаклига ва миллийлик мезонига асос бўлиб хизмат қилади. Тарих давомида, доимо мусиқий чолғуларга бўлган эътибор катта бўлиш билан бирга тарбиявий томонлари билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган.

Замонавий жараёнда ўтмиш анъаналарига янгича қараш, илғор ривожланган техникадан муносиб фойдаланиш ҳамда комил инсонни тарбиялаш каби омилларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, комил инсон тарбиясида мусиқа энг муҳим, яъни инсонларни руҳий ҳамда маънавий тарбиясига асос бўла оладиган омил сифатида қаралади. Ўқув-таълим жараёнининг барча босқичларида бунга эътибор берилишининг сабаби ҳам шунда эканлиги шубҳасиздир. Қолаверса, таълимда алоҳида-алоҳида стандартлар тарзида ишланган дастурлар асосида фаолият олиб бориш йўлга қўйилмоқда. Натижада, ўқитиш мезонида қўлланилаётган адабиётлар ва мавжуд барча нашрлар замонавий талаб даражасидаги янги қарашлар билан бойитиш, шаклан ҳамда мазмунан яхлит бир ўқув адабиёти кўринишига келтирилиб такоминлаштиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, мусиқий чолғулар ва улар билан боғлиқ намуналар халқ мусиқа ижодиётининг аҳамиятга эга бўлган таркибий қисмини ташкил этади. Ҳозирги давргача юзага келиб, амалиётда ўз ўрнини эгаллаган ва ижрочилик амалиётини юқори савияга эришиб бораётганлиги, умумбашарият маданиятида алоҳида нуфузга эга эканлиги ҳам бундан далолат беради. Ўзбек

халқ чолғуларининг ҳар бири техник жиҳатдан ва тараннум даражасидан илғод чолғулар даражасига киритиш мумкин. Аксарият намуналари бой ижровий имкониятлари ҳамда мукаммал даражада шаклланганлиги билан ажралиб туради.

Битирув малакавий иши мақсади. Дутор чолғу ижрочилигига ўқитишнинг дидактик мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши вазифалари:

1. Ўзбек халқ чолғуларининг тарихий келиб чиқиш жараёни, шакл-тузилиш ва кўриниши билан боғлиқ томонлари, ижро услубларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

2. Ўзбек халқ дутор чолғу ижрочилигида ўзбек халқ касбий мусиқаси ижрочилик услубларини ўргатиш жараёни мазмунини ўрганиб чиқиш.

3. Ижро дастури воситасида таълим олувчиларни ижрочилик маҳоратини ошириш, эстетик тарбиялаш мезонларини ишлаб чиқиш ва унинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва қиёсий таҳлили. Ўзбек халқ мусиқаси, жумладан анъанавий ижрочилик санъати ҳар бир шахснинг маънавий камолотини шакллантиришда, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда, қалб ва виждонини барқарорлаштиришда, эзгу орзу ниятларини амалга оширишда, баркамол инсонни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ўзининг тили, оҳанги, урф-одатлари, қадриятларини тараннум этади. Айнан чоғулар тараннумининг ранг-баранглиги (якка, кўш, ансамбль ва оркестр), уларни юқори профессионализм даражасига эришганлиги ҳамда катта имкониятларга эга эканлигини намоён этади.

Ўзбек мусиқашунослигида, охириги 100 йиллик давомида миллий чолғуларни ўрганишга бағишланган қатор илмий амалий тадқиқотлар олиб борилган. Ўтмишнинг буюк алломалари рисолаларидан ташқари XX асрда нашр этилган китоблар, амалиётда кенг қўлланилмоқда. А.Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» (1924 й.), В.Беляевнинг «Музыкальные

инструменты Узбекистана» (1933 й.), Ф.Кароматовнинг «Узбекская инструментальная музыка» (1972, Т.С.Вызго «Музыкальные инструменты Средней Азии» (1980 й) каби китобларини махсус чолғушуносликка бағишланган. Бундан ташқари бир қатор илмий мақолалар, бир чолғунинг тарихи ва ижрочилигига асосланган ўқув адабиётлар нашр этилиб чолғушуносликдаги илмий тадқиқот ва шу билан бирга уларни ўрганиш ва ривожда муносиб ўрин эгаллаб келаётганлигини қайд этиб ўтиш лозимдир¹.

Ўзбек халқ чолғуларининг тарихий келиб чиқиш жараёни, шакл-тузилиш ва кўриниши билан боғлиқ томонлари, ижро услублари ва уларга тегишли жанрлар ҳамда нуфузли ижрочилар ҳақида ўрта таълим тизим ўқув талабига мос ҳолда умумлашган маълумотлар ёритилган. Бу албатта, ушбу фан ўқитувчиларини халқ анъанавий чолғулари бўйича кўзланган таълим курси давомида соҳага тегишли умумназарий ҳамда амалий идроклаган ҳолда олиб боришлари учун йўналтирувчи манбаъ сифатида хизмат қилиши мумкин. Таълим олувчилар эса чолғулар ҳақида тарихий, назарий, амалий ҳамда манбалар хусусида муайян тушунчага эга бўладилар.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

1. Ўзбек халқ чолғуларининг тарихий келиб чиқиш жараёни, шакл-тузилиш ва кўриниши билан боғлиқ томонлари, ижро услубларини ўрганилиб ва таҳлил қилиниб чиқилди.

2. Ўзбек халқ дутор чолғу ижрочилигида ўзбек халқ касбий мусиқаси ижрочилик услубларини ўргатиш жараёни мазмунини ўрганиб чиқилди.

3. Ижро дастури воситасида таълим олувчиларни ижрочилик маҳоратини ошириш, эстетик тарбиялаш мезонлари ишлаб чиқилди ва унинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб берилди.

Тадқиқот объекти. Дутор чолғу ижрочилигида таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини шакллантириш жараёни.

¹ Ушбу адабиётлар ва мақолалар чолғуларга тегишли мавзуларнинг ёритиш жараёнида, ҳамда адабиётлар рўйхатида алоҳида-алоҳида келтирилади.

Тадқиқот предмети. Анъанавий дутор чолғу ижрочилиги бўйича таълим олувчиларининг ижрочилик маҳоратларини оширишнинг мазмуни ва ўқув-тарбия фаолияти.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти:

– Ўзбек халқ чолғуларининг тарихий келиб чиқиш жараёни, шакл-тузилиш ва кўриниши билан боғлиқ томонлари таҳлил қилиб чиқилди;

– дутор ижрочилиги ижро услубларини таҳлил қилиниб чиқиш орқали таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини оширишдаги ўрни ва аҳамияти белгилаб берилди.

– дутор ижрочилиги таълими жараёнида таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини оширишнинг мазмуни, шакл, методлари ҳамда педагогик, психологик хусусиятлари аниқланди.

– тадқиқот натижаларидан дутор ижрочилиги бўйича таълим таълим муассасалари машғулотларини ташкил қилишда маърузалар матни сифатида, шунингдек, таълим муассасаларида ижрочилик бўйича ўқув, эстетик, ахлоқий-маънавий тарбия ишларини олиб бориш жараёнида ҳамда концерт ижрочилиги ишларни ташкил этишда тадқиқот материалларидан кенг фойдаланиш мумкин.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

1.1. Мусиқий чолғулар Ўзбек халқининг моддий ҳамда маънавий бойлиги сифатида

Маълумки, мусиқий чолғулар халқларнинг моддий ҳамда маънавий бойлигидир. Чунончи, ҳар бир халқ ўз миллий мероси, даврлар оша юзага келган анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этувчи ва халқнинг миллий маънавиятига хос яратилган амалий санъат намуналари орқали уларга мос келувчи чолғу асбобларига эгадирлар. Ўзбек мусиқий чолғулар олами бу хусусда маънан ва моддий нуктаи назардан бой ҳамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Қолаверса, қайсики халқнинг маънавияти буюк, унинг тарихи ва унга мос мероси ҳам улкандир.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқ чолғулари ранг-баранг тарзда, ўзига хос шаклланган ва мусиқанинг барча тармоқларига мос чолғу асбоблари шаклланиб, арслар оша ривожланиб келган. Ўтмиш алломалари Ал-Фаробий (IX) ўзининг «Катта мусиқа китоби»да, Сафиуддин Урмавий (XII) мусиқий рисоласида, Абдулқодир Мароғий (XIV) «Жами ал-алҳон фи-илм ал-мусиқий» рисоласида, Аҳмадий (XIV) «Созлар мунозараси» асарида, Зайнуллобиддин Ҳусайний (XV) «Рисола дар баёни қонуни ва амалий мусиқий» рисоласида, Абдурахмон Жомий (XV) «Мусиқий рисола»сида, Амулий (XVI) «мусиқа рисола»сида, Дарвеш Али Чангий (XVII) «Мусиқий рисола»ларида мусиқий чолғуларнинг ўрганиб тадқиқ этиш масалаларининг турли томонларига тўхталиб, ўз даврларининг мусиқий чолғулари таснифотини баён этганлар. Ўтмишнинг забардаст шоирлари ўз асарларида мусиқий чолғулар номларини зикр этишда созларга такрор ва такрор мурожаат этганлар. Айниқса, ўз ижоди билан маърифат даражасига эришган буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий мусиқа илмининг энг нафосатли ва мумтоз керакли тармоқларига урғу бериб

ўтганликларини асарларидан билиб олиш мумкин. XX асрга келиб Эйхгорн, Абдурауф Фитрат, Виктор Беляев каби олимлар мусикий чолғуларни ўрганиш хусусида самарали ҳаракатларни амалга оширганлар.

Тарихий қўлёзмалар, адабий асарлар ва мусикий рисоаларда Ўрта Осиё халқлари амалиётида вужудга келган барча чолғу асбобларининг номлари ўз ифодасини топган. Мусикий рисоаларда эса чолғуларга тегишли (шакл, тузилиш, торлар нисбатлари, тайёрлаш мезонлари, чолғулар учун ишлатиладиган дарахтлар ва ҳ.к. ҳақида) маълумотлар келтирилган. Уларда, торли чолғулардан: борбад, уд, руд, қобуз, ғижжак, навҳа, нузха, қонун, чанг, рубоб, танбур, дутор; дамли созлардан: руҳафзо, шаммома, органун, сибизғи, найи анбон, чағона, буламон, сурнай, най, қўшнай, карнай; урма чолғулардан: даф, дойра, ноғора, сафоил кабилар турли даражадаги маълумотлар билан келтирилган.

Ал, Фаробий, Абдурахмон Жомий, Амулий, Дарвеш Али Чангий, Абдурауф Фитрат, Виктор Беляевлар ўз рисоаларида чолғу созларига катта эътибор билан ёндошиб, уларни амалиётдаги тутган ўрни, айрим фалсафий хусусиятлари ҳамда маълум даражада таснифоти билан ёритганлар.

Одатда, мусикий чолғулар ижрочилик амалиётининг турли йўналишларида қўлланилиб келинган. Аввало энг содда чолғулар яратилиб, кундалик ҳаёт тарзида кенг фойдаланилганлигини қайд этиш жоиздир. Бундай чолғулар ҳар бир халқнинг чолғулар дунёсида мавжуд, айна пайтда ҳам истеъмолда бўлиб келади. Ўзбек халқижрочилик амалиётида сақланиб, қўлланиб келинаётган чолғулардан чанг қўбиз, сибизғи шулар жумласидандир. Бу чолғуларни тайёрлаш ва ижро этиш ҳам оддийлиги билан ажралиб туради.

Даврлар ўтиши, жамият тараққиёти мезонига чолғу созлар ҳам ҳамнафас тарзда ривожланиб, замонага мос такомиллашиб, мукаммаллашиб борган. Тарихий манбаъларда, Қулмуҳаммад Удийнинг уд чолғусига тўртинчи сим таққанлиги ёки ғижжак чолғусининг аввал икки торли, кейин учинчи ва тўртинчи торлари тақилганлиги, каби маълумотлар айнан чолғулар

такомиллашиши билан боғлиқдир. Такомиллашиш жараёнида чолғуларнинг шакл ва тараннум (овоз) мезонларини бойитиш катта аҳамият касб этган. Бу икки мезон чолғуларнинг маънан ва моддий қийматини ҳам белгилашга асос бўлиб хизмат қилган. Зеро, чиройли чолғу гўзал овозга эга экан у халқ маънавий бойлиги ҳамда мулки эканлигини эътироф этиш лозимдир.

XIX аср охири ва XX асрнинг ўзида ўзбекона чанг, қашқар рубоблари шаклланиб истеъмолга кирди. Уд ва қонун созлари қайта тикланиб ижрочилик амалиётини сезиларли даражада бойитди. Афғон рубоби ҳамда курд созлари ҳам ўзига хос жозибаси билан амалий жараёндан муносиб ўрни олди. Замонавий композиторлик ижодиёти билан боғлиқ ҳолда бир қатор чанг, рубоб, дутор, ғижжак каби халқ чолғуларининг оилавий намуналар яратилди. Пировардида, замонавий жараёнга келиб мусиқий чолғуларнинг турли йўналишларга мос, хилма-хил таркиблари юзага келди. Амалиётда анъанавий, қайта ишланган, такомиллашган, қайта тикланган, янги замонавий (ҳамда электрон) хиллари кенг қўлланилмоқда.

Қайд этиш жоизки, чолғулар, чолғу мусиқаси ҳамда ижрочилиги азал-азалдан бир-бирини тўлдириб, ривожланишига ва такомиллашишига замин яратиб келган. Ижрочилик мезонининг ривожи чолғулар кўламини кенгайтириш, имкониятларини ошириш учун хизмат қилган. Ўзбек анъанавий чолғуларининг тарихий шаклланиши ҳам бир қатор халқ миллий анъаналари негизида қарор топган. Касбий мусиқанинг ижодиёти ва унинг ривожи айнан чолғулар билан чамбарчас боғлиқлигини қайд этиб ўтиш лозимдир. Чунончи, мумтоз ижодиёт чолғуларнинг мукаммаллик хусусиятларини намоёниш этибгина қолмай, уларни ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келган. Шу боис, чолғулар ва чолғу мусиқаси анъаналари ўзининг шаклланиш даври, яъни қадим замонлардан халқ мусиқа маданиятининг асосий омилларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этиб келган.

Чолғушунослик илми фонда «органология» деб юритилади ва чолғу созларнинг шаклланиши, амалиётда қўлланилиши ҳамда ривожланиш

мезонларини илмий асослаб беради. Ушбу фанни ривожда бир қатор Шарқ ва Ғарб олимлари қаторида ўзбек мусиқашунос олимлари ҳам муносиб тадқиқотлар олиб борганлар. Қадимий чолғулар кўпроқ тарихий обидалар орқали кашф этилиб, кейинчалик тарих, адабиёт ва мусиқий рисолаларда баён этилган.

Чолғуларнинг илк тасвирлари қадимги одамларнинг истиқомат жойлари ғорларда, қоя ташлашда ўйиб чизилган иморатларнинг пештоқлари, саройларнинг деворий суратлари сопол идишларга чизилган суратларда ва терракота ҳайкалчаларида аксини топган.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон территорияларида Афросиёб Далворзин тепа (Сурхандарё), Варахша (Бухоро), Айритом, Зартепа, қўй қирилган ва қўзи қилинган тепалар (Кўхна Урганч), Панжикент² каби қадимий жойлар қазилмаларидан топилган чизма сурат ва ҳайкалчалар шулар жумласидандир. Қадимий суратларда арфа, уд, найсимон ҳамда урма чолғулар акс эттирилган. Мусиқий чолғу ижрочилигига бўлган эҳтиёжни айнан ушбу суратлардан кўриш ҳам мумкин. Чунки, суратларда нафақат якка ижрочилар ёки чолғу асбобининг ўзи акс эттирилган, балки, айритом қазилмаларидан топилган тарихий обидаларда қадимги Суғд маданиятига хос ансамбль, яъни бир қатор мусиқачиларни даста бўлиб ижро этаётган чолғучиларининг акси туширилган³.

Мусиқий чолғуларнинг таърифи, яъни шакл-тузилишлари таркибий жиҳатлари, номларига хос ижрочилари билан боғлиқ аълумотлар, асосан Ўрта асрлардан бошлаб бадиий адабиёт асарлари ҳамда мусиқий рисолаларида ёритила бошланади. Демак, Ўрта асрларга келиб қадимдан шаклланиб такомиллашиб келган халқ мусиқий чолғулари ижрочилик амалиётида ўз ўрнини топган. Шу билан бирга нафақат халқ балки олимлар эътиборини қозонган. Бу жараёни О.Матёкубов «Мақомат» китобида қуйидагича баён

² Қазилмалар ва қазилмалардан топилган ашёлар хусусида Т.С.Вызгонинг «Музыкальные инструменты Средней Азии» исторические очерки М., «Музыка» 1980 г. китобида батафсил ёритилган.

³ Т.С.Вызго. Шу манба

этади. «Чолғуларга бундай атрофлича қизиқишлар заминиди муסיқий асбоблар ижрочилик фаолиятининг объектив акс эттиришдир, деган илмий тушунча ётади. Фаробий таъбири билан айтганда, чолғу асбобларининг шаклланиши, аввало, амалиётда юзага келади. Уларнинг тембр-акустик хусусиятлари парда ва товушқаторлари бевосита ижро жараёнида шаклланади ва такомиллашади. Шундан сўнггина чолғулар олимлар кузатуви ва умумлашмаларига замин бўлиши мумкин»⁴.

Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абдуллоҳ Ал-Хоразмий, Зайнуллобиддин Ҳусайний, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Мароғийлар⁵ ўз рисолаларида чолғулар ва уларнинг бир қатор сифат ва хусусиятлари хусусида ўз рисолаларида муфассал баён этганлар. Ўрта аср рисолаларида чолғулар такомиллашиши ҳамда ривожини йўлида қилинган ўзгаришлар, ижрочилик амалиётида яратилган янги созлар ва истеъмолдан чиққан чолғулар таснифотини кўриш мумкин.

Муסיқа санъатининг бой маънавий жиҳатлари бадиий адабиёт намояндаларини ҳам бефарқ қолдирмаган. Муסיқа сеҳри, чолғулардан таралган сирли оҳанглар Шарқ бадиий проза ва мумтоз шеърияти, яъни бадиий адабиётида ўзига хос ифодасини топади. Булар беназир чолғу созлар номланиши, ўз даврининг машҳур ижодиёт намуналари, яъни жанр ва асарлар номлари, бастакор, созанда ва хонандалар, халқ муסיқа ижодиёти ва анъаналаридир.

Ўрта асрларда муסיқий жараёнга кўпроқ аҳамият бера бошлаган адабиёт намояндаларидан Фирдавсий, Рўдакий, Ҳофиз, Саъди, Жомий ва Навойлардир.

Жумладан: Фирдавсий «Шохнома»да ёзади:

Йиғилди акобир, чолғучи, раққос,

Подшо шодлигидан сочар дур, олмос.

⁴ О.Матёкубов «Мақомот» Т., «Муסיқа» 2004 й., 272 с.

⁵ Ўрта аср муסיкашуносларнинг рисолалари хусусида қуйидаги адабиётларда маълумотлар ёритилган.

а) Т.С.Вызго «Музыкальные инструменты Средней Азии», Т., 1980 й;

б) И.Ражабов «Мақомлар масаласига доир», Т., «Фан» 1963 й;

в) «Музыкальное, театральное искусство и фольклор», Т., «Фан» 1992 г;

г) О.Матёкубов «Мақомот» Т., «Муסיқа» 2004 й;

д) «Музыкальная эстетика стран Востока» М., 1967 г.

Чиқар авжига най, чилдирма саси,

Чириллаб айланар қизлар галаси.

Улуғлар шаънига қадаҳ пайдар-пай,

Саҳаргача тинмас танбур, рубоб, най⁶.

Муסיқий иборалар А.Навоий даврига келиб адабий меросда мукаммал ифодасини топа бошлади. Айниқса Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодий фаолиятлари буни яққол намоён этди. Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-васот» асаридан ғазал:

Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен-соз туз,

Тортибон мунглиғ наво созинг била, овоз туз.

Навҳа оҳанги тузуб, оғоз қил маҳзун суруд,

Ул суруд ичра ҳазин кўнглумга махфий роз туз.

Истасангким, нағманг ичра кўп халойиқ ўлмагай,

Ул икавдин кўп вале мендин тарона оз туз.

Гар менинг ҳолим десанг туз барча достони ниёз,

Дилбаримдин нағмасоз этсанг суруди ноз туз.

Чун бу гулшанда нишиман қилғали қўймас ҳазон,

Гул фироқи савтин, эй булбул, қилиб парвоз туз.

Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглуғ суруд,

Эй муғанний, чун ниҳон розим булурсен-соз туз⁷

⁶ А.Фирдавсий, «Шохнома» Т., «Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат», 1984 й., 199 с.

⁷ Алишер Навоий «Бадоеъ ул-васот» мукаммал асарлар тўплами бешинчи том, Т., «Фан» 1990 й, 160-161 с.

Улуғ мутафаккир шоир бир ғазалнинг ўзида 14 та мусикий иборани келтиради. Зеро, ғазалнинг ўзи ҳам бастакорлик амалига хосдир. Навоийда бундай мусикий иборалар жуда кўп учрашини унинг асарларидан билиш мумкин.

XV-XVI асрга келиб миниатюра санъати ривожлана бошлайди. Фирдавсий, Низомий, Амир Хусров Дохловий каби шоирларнинг асарлари чизилган миннатураларда ўз даврининг машхур чолғулари ўз аксини топган⁸.

XIX асрнинг II-ярмига келиб ўзбек анъанавий чолғуларини ўрганишга алоҳида аҳамият берила бошланади. Ўрта Осиё маданиятига қизиқиш Ғарб мамлакатларида ортиб боради ва уни ўрганиш мақсадида мутахассислар кела бошлайдилар. Марко, Поло, Вамбери, Анкомин, Лейсек, Эйхгорн каби саёҳатчи этнографлар, тарихчилар, копельмейстерларнинг кундаликларида зикр этилган маълумотлар кейинчалик йирик-йирик мақолалар ва китоб тарзида нашр юзини кўради. Эйхгорннинг ўзи бутун Ўрта Осиё Республикаларини айланиб чиқиб, оламшумул муваффақиятга эришади. Илк бор чолғулар коллекциясини йиғади ва бир қатор шаҳарларда намойиш этади⁹.

XX асрга келиб халқ ижрочилик амалиётида оммалашган чолғуларни ўрганиб тадқиқ этишга эътибор кучайди. Буни Абдурауф Фитрат¹⁰ ўзининг ижодида бошлаб бериб, қимматли маълумотларни баён этади. Шундан сўнг мусиқашунос олимлар чолғушунослик илмини ривожда бир қатор самарали тадқиқотлар олиб борадилар. В.Беляев¹¹, Ф.Кароматли¹², Т.С.Вызго, А.Малкеевалар шулар жумласидан бўлиб, Ўрта Осиё мусиқа чолғушунослиги соҳасининг ривожига самарали ҳисса қўшдилар. Манбаъларда анъанавий чолғулар мусикий маданиятнинг асосларидан бири эканлигини ва халқ маънавиятини гўзал анъаналарини ўзида мужассам этиб келаётганини таснифлаб берганлар.

⁸ Миннатуралар ва уларнинг шарҳи Т.С.Вызгонинг «Музыкальные инструменты Средней Азии» китобида батафсил баён этилган. Т., 1980 й.

⁹ А.Эйхгорн 1870 йилда Ўрта Осиё халқларининг мусикий чолғуларини йиғиб коллекция яратган.

Эйхгорннинг мусикий чолғулар коллекцияси Глинка номидаги Давлат мусиқа маданияти музейида сақланади

¹⁰ А.Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» М., 1926 й, Т., 1993 й.

¹¹ В.Беляев «Музыкальные инструменты Узбекистана» М., «Гос.иза» 1933 г.

¹² Ф.Кароматов «Узбекская инструментальная музыка» Т., «Ғ.Фулом», 1972 г.

XX асрнинг 30-40 йилларига келиб чолғуларни такомиллаштириш жараёнининг янги босқичи бошланади. Бу жараён Ўзбекистонда композиторлик ижодиётининг жаҳон андозаларига мос ривож билан боғлиқ эди. Ижрочилик амалиёти ҳам шунга мослашиб, симфоник оркестр русуми доирасида ўзбек халқ чолғулари оркестрини истеъмолга кириб келиши билан характерланади. Амалиётда мавжуд чолғуларни оркестр таркибига мослаш ишлари негизида бир қатор чолғуларнинг оилавий намуналари яратилди. Натижада, симфоник оркестрга муқобил халқ чолғулари оркестри яратилди. Оркестрнинг ранг-баранг овозини тараннумини таъминлаш учун рубобнинг-прима, альт, тенор; дуторнинг-прима, бас, контрабас; ғижжакнинг-альт, кўбиз бас, кўбиз контрабас; чангнинг-бас, тенор, альт намуналари яратилди. Ушбу чолғулар замонавий мусиқа ижрочилик жараёнида нафақат оркестр, балки камер ва турли (дуэт, трио, квартет, квинтет, октет) чолғулар таркибидан тузилган гаруҳларни тузишга имкон яратади. Қолаверса ўзбек мусиқа санъатининг умумбашарият андозаларига хос тарзда ривож топишида ҳамда дунёга чиқишларига катта йўл очиб беради.

1.2. Ўзбекистонда дутор чолғу ижрочилигининг ривожланиш тенденциялари

Торли чолғулар қадим замонлардан шаклланиб, турли халқлар амалиётида ўз маънавияти ва анъанаси доирасида ривож топиб келган мусиқий асбоблардан бир тури ҳисобланади. Торли чолғунинг келиб чиқишига аниқ бир маълумот бериш мушқил. Ўтмиш манбаъларида келтирилган ривоятларга кўра, биринчи кашф этилган торли чолғуни номи Барбат бўлган ва илк бор буюк юнон олими Фисоғурс (Пифагор) томонидан ихтиро этилганлиги қайд этилади¹³. Дарҳақиқат, илк ясалган (яратилган) чолғу ҳар томонлама содда ва

¹³ Фисоғурс - юнонча исми Пифагор. Эрамиздан олдинги VI асрда яшаб ижод этган буюк файласуф аллома. Мусиқий чолғулар яратилишига боғлиқ ривоятлар (И.Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир» китобида, мусиқада 7 та товуш мужассамлиги борасида А.Навоийнинг «Лисон ут-тайр» китобидаги «Қақнус»³ зикоясида келтиради.

оддий бўлган ва кейинчалик ривожланган. Бу ҳақда мақомшунос олим И.Ражабов ёзади: «Фисоғурсдан сўнгги даврларда яшаган мусиқачилар барбатни такомиллаштирадилар ва унинг асосида 2-3-4 торли мусиқа асбоблари ясадилар. Барбатни эса, кўп манбаъларда ҳамма торли асбобларнинг юзага келишида асос бўлган, деб кўрсатилади»¹⁴. Барбат эса удсимон чолғу эканлиги ва уд чолғусини яшашда Барбат асос бўлганлиги ҳам кўп манбаъларда баён этилган.

Инсон тафаккури торли чолғуни ихтиро этиб уни маълум даражада ривожлантиргандан сўнг, унинг умумбашарий ривожи ҳар бир халқнинг маданияти, маънавияти ва анъанаси асосида шаклланиб ривож топади. Чолғуларни ҳар бир халқнинг ўзига хос ва турли воситалар орқали ижро этиладиган намуналари юзага келади.

«Олдинига торли чолғуларнинг шакллари-деб ёзади В.Беляев-ёйсимон бўлган. Яъни дарахтли (тахтали) эгма танали (корпусли) бўлган ва унга бир ва бир нечта торлар тортилган. Вақт ўтиши билан ушбу бу тахтали тана тўғриланиб борган ва даста ёки чолғу асбоби дастаси шаклига келган. Шу билан бирга дастага мос резанатор вазифасини бажарадиган косахоналар, аввалига жонзодлардан (тошбақа, зихр) ёки ўсимлик мевалари (қовоқ, какос ёнғоғи ва ҳ.к.) бириктирилган»¹⁵. Тараққиёт жараёни эса ҳар бир халқнинг ўз чолғу асбобларини юзага келишига сабаб бўлган. Чолғуларнинг косахонаси қайси жиҳоздан ва унинг катта-кичиклик ҳажми, дастасининг узун-қисқалиги ҳамда торлар сони ва нисбати даврлар ўтиши билан ривожланиб такомиллашиб борган.

Ўрта Осиё халқларида бир қатор танбурсимон, дуторсимон ва қўбиз ғижжак каби чолғулар яратилиб амалиётда кенг қўлланила бошланган. Ўрта асрларга келиб мусиқий чолғуларнинг ҳар бири шаклу шамойилига, овоз тараннум нуфузига ва халқ орасида катта эътиборига эга бўлган.

¹⁴ И.Ражабов, «Мақомлар масаласига доир» Т., «Фан» 1963 й., 18 с.

¹⁵ В.Беляев «Музыкальные инструменты Узбекистана» М., 1933 г.

Чолғу созларнинг халқ орасидаги оммалашуви ўз замонасининг файласуфлар, алломалар тадқиқотларининг манбаига айланишига ҳам асос бўлган. Илмда ушбу соҳани бошловчиси сифатида IX асрда яшаб ижод этган энциклопедик олим Абу Наср Ал-Фаробий¹⁶ ҳисобланади.

«Муסיқада чолғу асбоблар, тажрибадаги амалий изланишлар натижаси в умумлашмаси деган қарашлардан келиб чиққан ҳолда Фаробий мусулмон оламининг мумтоз созлари бўлмиш уд, танбур, рубоб, қонун, арганун (орган), най, сурнай ва бошқаларнинг илмий тавсифини берган... олимлар Курд Закс ва Эрих Хорибостелларнинг фикрича, асбобшунослик (органология) фанига Фаробий асос солган. Муסיқа ҳақидаги катта китабида муסיқашунослик тарихида биринчи бор чолғу созларининг илмий таснифоти баён этилган»¹⁷.

Фаробийдан кейин муסיкий чолғулар ва чолғу ижрочилигига хос турли маълумотлар Ибн Сино «Жавоми илм ал-муסיқа» (X аср), Абу Абдуллох Хоразмий (X аср), Абдуқодир Мароғий «Китоб ул-нағам» (XIV аср), Зайнуллобиддин Ҳусайний «Рисола дар баёни қонуни ва амалий муסיкий» (XV аср), Абдурахмон Жомий «Рисолаи муסיкий» (XV аср), Амулий (XIV аср) «Рисолаи муסיкий» Дарвеш Али Чангий «Рисолаи муסיкий» (XVIII аср) каби олимларнинг муסיкий рисолаларида ўз ифодасини топди.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган ушбу олимлар ўз рисолаларида торли чолғуларнинг қадимий намуналари нузха, навха, чанг, қонун, рубоб, уд, руд, танбура, дўмбира ва дутор қобузларни тавсифини зикр этганлар. XX асрда эса А.Фитрат ўзининг «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» рисоласида ўзбек халқ чолғуларини тавсифлаб беради. В.Беляев ва Ф.Кароматлилар чолғуларнинг тавсифи билан бирга хусусиятларига кўра таснифотини баён этадилар.

Муסיкий чолғуларнинг ривожи аввало ижро амалиёти билан боғлиқ. Чолғуларни такомиллашиши ёки акси уларни ижрочилик мезонидаги ўрни

¹⁶ Абу Наср Ал-Фаробий 870-950 йилларда яшаб ижод этган энциклопедик олим. «Муסיқаҳақида катта китоб»нинг муаллифи. Илк бор муסיқани илмий-назарий тадқиқ этган. Ўз даври чолғу-созларига таъриф берган.

¹⁷ О.Матёқубов, «Мақомат» Т., «Муסיқа», 2004 й., 272 с.

билан характерланади. Шу боис, ўрта асрларда яратилган рисолаларда ёки бадиий адабиёт намуналарида ўтмиш созанда ва хонандаларининг номлари ва бажарган амаллари ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан: Дарвеш Али Чангий¹⁸ ушбу анъанага риоя қилиб рисолаининг тўрт бобини (VII, VIII, IX, X) ўз замонасининг буюк кишилари, мусиқачилари, мусиқа билимдонлари ва мусиқани асровчи, бастакорлари ҳамда моҳир хонандаларини ижодий фаолиятига бағишлайди. Ҳар бир намояда ҳақида энг керакли маълумотларни келтиради. Машҳур мусиқачилар қаторига Мавлоно Мираки чангий Дарвеш Аҳмади Қонуни, Шоҳ Қули Ғижжакий, Алижон Ғижжаки, Устод Зайтуни Ғижжаки, Устод Амир Қулихон Танбури, Юсуф Мавдуди дутори, Ҳофиз Таниш, Ҳофизи Пояндан Қобузи, Мавлоно Қосим Қонуни, Устод Султон Муҳаммад Танбури, Устод Хусейн Уди каби ўз касбини усталари ҳамда ижрода моҳирликка эришган номдорлар ҳақида тегишли маълумотлар баён этади.

Замонавий жараёнда хонанда ва созандаликда моҳирликка эришган намояндаларни ижоди алоҳида ўрганилиб нашр этилиши аҳамиятлидир. Зеро, созанда ва хонандалар ижодини ёритишга бағишланган монографияларда уларни ҳаёти, ижодий фаолияти, устоз-шогирдлик сабоғи, ижрочилик услуби ва мактаби, бастакорлик ижоди ҳамда улардан намуналар келтириш анъанаси расм бўлган. Айни пайтда беназир устозлар, ижрочилик санъатининг забардаст намояндалари Ҳожихон Болтаев, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов (Махмуд Ахмедов), Тўхтасин Жалилов (Икром Акбаров), Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков (Ровшан Юнусов), Орифхон Хотамов (С.Бегматов) Турғун Алиматов (Р.Қосимов), Мухторжон Муртазоев (С.Бегматов, А.Зокиров)лар ижодига бағишланган монографиялар нашр этилган. Моҳир созанда ва хонандалар ижодини ўрганиш замонамизга муносиб тарзда давом этаётганини эътироф этиш мумкин.

¹⁸ Среднеазиатский трактат по музыке Дервиша Али (XVII века). А.Семёнов таржимаси (рус). Т., 1946 й.



Дутор – ўзбек анъанавий чертим чолғу созларидан бири. Узоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айти пайтга келиб анъанавий ижро услубига хос барча гуруҳлар таркибидан жой олди. Анъанавий якканавоз чолғу сифатида шаклланди ва етакчи чолғулар қаторига кирди.

Дуторнинг тарихий шаклланиши узоқ ўтмиш ва бошқа чолғулар билан уйғунлик жиҳатлар бориб тақалсада мусикий рисоаларда XV асрдан бошлаб таърифланиб келади. «Фаробий (IX аср) маълумотларига қараганда Хуросон танбури ўзининг кўплаб белгилари билан замонавий дуторни эслатади»¹⁹. Лекин, дуторни ўз номи ва унинг барча (шаклий, таркибий, ижровий) имкониятлари билан илк бор XV асрда яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнуллобиддин ал-Хусайний ўзининг мусиқа илмига бағишланган «Қонуни илм ва амали мусикий» номи рисоласида баён этган. Дарҳақиқат, унда иккита торли ва уларнинг оралиги кварта интервалини ташкил этувчи, дастасига боғланган пардалари ўн биттани ташкил этувчи дутор чолғу асбоби таърифланади. Лекин, қайд этиш жоизки, рисолада тавсифланган чолғу ҳар томонлама замонавий дутор созига яқин. Фарқ фақат, шаклда дейиш мумкин. Чунки, тавсифланган дуторни косахонаси ҳозирги замон дуторидан оз бўлсада каттароқ, дастаси эса қисқароқдир. Даврлар оша чолғулар ўзгариш ёки мукаммаллашиш жараёнини ўташи муқаррардир.

¹⁹ О.Матёкубов, «Мақомот», 2004 й., 277 б.

Дутор Ўрта Осиёнинг ўзбек, туркман, тожик, қорақалпоқ халқлари орасида кенг оммалашган чолғудир. Қайд этиш жоизки, ҳар бр халқ дуторининг оз бўлсада ўзига хослик жиҳатлари мавжуддир.

Дутор - икки торли чолғу асбобидир. Одатга кўра, тут дарахтидан тайёрланади. Чолғу икки асосий қисмларга бўлинади: а) косахона (резонатор); б) даста. Чолғунинг косаси 10-12 та юпқа қовурғачаларнинг бир-бирига бирлаштириб ёпиштириш орқали ҳосил қилинади ва унинг устки қисм махсус қопқоқ билан қопланади. Чолғунинг косасида торлар илинадиган махсус мослама, яъни илгичлар ўрнатилади. Дуторнинг дастаси чолғу жуссасига қараб белгиланади. Унда 14-15 та пардалар мавжуд бўлиб, улар ичак, замонавий жараёнда жилка (сунъий ип)дан бойланади ва торлари ипакдан эшилиб тайёрланади. Анъанавий дутор пардалари диатоник товушқатор таркибида жойлашган. Дастанинг бошланиш қисмида эса, иккита махсус қулоқлар жойлашган. Қулоқлар ипларни тортиш ва чолғуни созлаш учун қўлланилади. Чолғуда овоз тараннумини соф ҳолда таралиши учун иккита харрак ўрнатилади. Чолғунинг юқори қисмида жойлашган харрак шайтон харрак дейилади ва биринчи парда билан қулоқлар мобайнида жойлашади. Пастки харрак махсус шаклда ясалади ва чолғунинг созланишига кўра қопқоқ устига ўрнатилади.

Дутор ўзбек халқ чолғулари орасида ўзгарувчан хусусиятли чолғулар таркибига киради. Шу боис, бу тоифадаги чолғуларнинг созлари (торлари) ижро учун керакли парда (товуш)га созланиб олинади. Дутор ижрочилик амалиётида ижро этилаётган асарга қараб турлича, яъни кварта, квинта, кўштор (унисон), октава ва секунда интерваллига созланади.

Ижрочилик амалиётида, анъанавий ижро услубида квинта сози кенг қўлланилади. Кварта-Тановор сози, унисон-кўштор, октава-Баёт сози номлари билан ҳам юритилади.

Секунда ва терция интервали асосида созлаш замонавий жараёнда жуда кам қўлланилади.

Дутор анъанавий чолғулар орасида турли ва ранг-баранг зарбларга бой, нафис ва назокатли, фалсафий овозга бой чолғу соз сифатида турли ёшдаги ижрочилар амалиётида кенг қўлланилиб келинади.

Ўзбекистонда дуторнинг халқ анъанавий ва ҳудудий ижрочилик услублари мавжуддир. Ҳудудий услубларга Фарғона-Тошкент ва Хоразм дутор ижрочилик мактаблари кириб, ҳар бири ўзининг воҳавий хусусиятларига эга. Хоразмда эса махсус дутор мақомлари ҳам шаклланган.

Ижрочилик амалиётида моҳирлик даражасига эришган халқ дуторчи созандаларидави Маҳмуд Юнусов, Гуломжон Қўчқоров, Фахриддин Содиков ... кабилар доимо халқимиз эъзозида бўлиб келганлар.

II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ

2.1. Ижро дастури нота матни, сўзлари ва тавсифи (нотаси)

“Савти калон” туркум асар ҳисобланиб “Шашмақом”нинг Рост мақоми наср бўлимига кирувчи иккинчи гуруҳ шўбаларига киради. Булар яъни Савт, Талкинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфори қисмлардан иборат. Савт - арабча сўз бўлиб “қўшиқ”, “ашула” маъносида келади.

Калон - бастакор таҳалусидир.

Савт- асосан Увайсий ғазали билан ижро қилиниб:

5 / 4 - ўлчови доира усули билан ижро қилинади.

Талкинча - асосан Машраб ғазали билан ижро этилиб,

3 / 8 ; 3 / 4 - ўлчови доира усули билан ижро этилади.

Қашқарча - асосан Аваз Ўтар сўзи билан ижро этилиб 4/4 ўлчови доира усули билан ижро этилади.

Соқийнома - асосан Бобур ғазали билан 4/4 - ўлчови доира усули билан ижро этилади.

Уфор - асосан Бобур ғазали билан 4/4 ўлчови доира усули билан ижро этилади.

Савти Калон асарида битта “Зебо Пари” авжи бор, “Зебо Пари” авжи - Сегохдан бошқа барча мақомларда ишлатилади ва машҳур авжлардан ҳисобланади.

Савти Калоннинг иккита хати иккита турли услубда айтиладиган Даромат қисми, учунчи хати ўрта пардаларда ижро этиладиган “Миёнхат”дир.

Тўртинчи ва бешинчи хатлар “Зебо Пари” авжи ҳисобланади.

Олтинчи хати еса “Тушурум” қисмлардан яъни “Фировад”дан иборат.

САВТИ КАЛОН

Увайсий сўзи

Хиром айлар гулистон ичра у мастона - мастона
Табассумдин намоён айлабон дурдона-дурдона
Тамошо чоғида монёдурур кўздан юрак қони,
Бу хасиратдин тўкар мардумларим маржона -маржона
Майи гулранг ародур жилвагар рухсори эй сокий
Таваккуф айлама сўнгил яна паймона-паймона
Ўшал шўхи ситамгарни бўлурму ошно деб хеч
Рақиб илтифот айлар манга бегона-бегона
Қаю бир тун аро рухсори жонона назар солғач
Бу кўз ойнаси хуснингадур хайрона-хайрона
Увайсийдур рафику дарду хижронадурур мунис
Ғами дилдор бирлан доимо хамхона - хамхона.

ТАЛҚИНЧАИ САВТИ КАЛОН

Машраб сўзи

Эй менинг нозик ниҳол оромижоним қайдасан
Бу кўнгул бўстонида ғунча дахоним қайдасан
Неча кундур бу кўнгул муштоки дийдоринг эрур
Ўргилай эй дилдори ширин забоним қайдасан
Айрилиб мен ёрдин, бир неча кун бўлдим жудо
Ахтариб келдим сени, ороми жоним қайдасан
Холимиз беҳад ёмондур келмадинг холим сўраб,
Эй менинг хуш меҳрибон руҳи равоним қайдасан.
Кўзларим кўрмас бўлиб колди бу ғам саҳросида,
Хасратингда чиқди бу оҳу фуғоним қайдасан
Ташналабдур Машрабо бўлди юрак-бағри кабоб
Фуркатингда эй менинг оҳу фуғоним қайдасан.

ҚАШҚАРЧАИ САВТИ КАЛОН

Аваз сўзи

Нозаниним не ажаб ҳар дам манга ноз айласа
Токи бу ишдин мени ишк ичра мумтоз айласа
Лаб такаллумдан очиб мен ҳам топарман юза жон
Жумлаи ушшоғиға жон бермак оғоз айласа
Зухра кўк узра урар раккос соз олғон ҳамон
Лаъли ширинни агар лахни фалактоз айласа
Бўлғуси албатта доми ишк бирла пойбанд
Жон куши гар ёр кўйи сори парвоз айласа
Хотири ошуфтадурким айб килманг дўстлар
Гар Аваз шох хизматини ушбу йил оз айласа.

СОҚИЙНОМАИ САВТИ КАЛОН

Бобур сўзи

Келтурса юз балони ушал бевафо манга
Келсун агар юзимни эвурсам бало манга.
Нетгайман ул рафиқ билаким қилур баси
Меҳру вафо рақибға жавру жафо манга
Бегона бўлса ақил мени телбадин не-тонг
Чун бўлди ул пари сифатим ошно манга
Оху ёшимдин ортадур заъф ей табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу-хаво манга
Дардим кўриб муолижада зое этма умр
Ким жонда дарди ишк дурур бедаво манга
То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар
Ташвиши бежихатдурур охир санга манга.

УФОРИ САВТИ КАЛОН

Бобур сўзи

Ким кўрур хуршидини ул мохи сиймо бўлмаса
Ким сўрур шаккарини ул лаъли шакархо бўлмаса
Гул тикандур кўзларимга ул юзи гулдин йироқ
Сарви ўктур бағрима ул сарви боло бўлмаса
Жаннатул-мақъвони эй зохид нетай мен зорким
Истарам кўйидин ўзга манга мақъво бўлмаса
Гар бошингни кессалар ишқида ей Бобур сенинг
Ёрдин кўнглинг керакким ўзга катъо бўлмаса.

САҚИЛИ НАВО

Сақили Наво - Асосан Хоразим мақомларидан Наво мақомига кирувчи асар ҳисобланади. Сақил - арабча сўз бўлиб “оғир”, “вазмин”, “чўзилган” маъноларини билдиради. Наво-атамаси Форсча “куй”, “оханг” маъноларини билдиради. Бадий адабиётда “булбулнинг сайрашини мактаб шоирлар булбулнинг навоси нола чекиши” – дейдилар. Буюк Навоий ҳам ўз таҳаллусини шу сўздан олган ва “Наво чекувчи, куйловчи” маъноларида қўллаган.

Сақили Навонинг такт ритим ўлчови 2/4 ўлчовда ижро этилади. Доира усули эса 24 тактга мослаштирилиб қуйдагича ижро қилинади,

Сақили Наво- куйи Хоразмда “Хончиқар” деб халқ орасида севиб ижро этилади чунки Хоразм хони сайилга овулга чиққанда Сақили Наво куйи чалинар экан. Бу асарни ижро этишда мусиқачидан жуда катта маҳорат талаб қилинади. Ҳозирги кунда созандалар тамонидан севиб ижро қилиниб келаяпти. Машхур устоз саънаткор ғижжакчи Оллоназар Хасанов тамонидан бу куй ижроси алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги кунда Хоразм мақомчилар ансамбили ҳам ижро қилиб келмоқда. Ҳозирги ижро қилинадиган Сақили Наво асари қайтадан Хоразм “Танбур нотацияси бўйича нотага олган Устоз саънаткор дуторчи Рустам Болтаев тамонидан олинган нота наъмунаси қуйдагича ижро қилинади.

2.2. Бастакорлар асарлар нота матни ва тавсифи

НАЗЗОРА ҚИЛ

Хазрат Алишер Навоий ғазалига устоз Комилжон Жаббаров томонидан басталанган “Наззора қил” ашуласи Анъанавий ижрочилик тарихида бир мунча шуҳрат қозонган асарлардан ҳисобланади. Асар усулининг ўлчови 3/4



бўлиб, ижронинг эшитилишини муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Арузнинг “Мутоккориб” вазнида битилган ғазал;

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун тарзида таснифланган.

НАЗЗОРА ҚИЛ

К. Жаббаров мусиқаси, А. Навоий ғазали

Эй пари юз ёралик кўнглум сари наззора қил
Ёрасиз ҳар қайдаким топсанг ани ҳам ёра қил
Майли хиндудекки душман илгида бўлғай асир
Ҳар бирисин олам ичра бир тараф овора қил
Чун алар оввора кўзларимни ҳам ўюб
Ўтка ташлаб уйларин ҳам тош била юзпора қил
Ул икавдин бошима келган балоу ғуссани
Айлабон мундок укубатлар замоне чора қил
Эй Навоий ўйнағунг йўқ ишқ то юз кўрмагунг
Узр айтиб эр ўпу сўз таркини якбора қил.

1. Ёралик - ярали жарохатли.
2. Наззора - назар караш.
3. Хайл – кўшин, тўда, гуруҳ; эл.
4. Якбора - бир марта, бир йўла; бетакрор.

ҚОРА ДАЛИ

Қора Дали - асосан Хоразм воҳасига кирувчи асар Хисобланиб - 6/8 ўлчови доира усули билан ижро этилади. Қора Дали қора ёлли отга нисбатан берилган ном бўлиб, бу куй ҳақида халқимиз орасида ривоятлар бор. 11 та дутор мақомлари ичида “Мажнун дали” асари мавжуд “Қора дали” куйи “Мажнун дали”нинг шаҳобчаси эканлиги тўғрисида маълумотлар бор. Шулардан яна бири “Шабдиз” – “шаб” - қора тунга мингзаган ёки қора рангли деган манони билдиради. Афсоналар бўйича бу от Шох Жалолиддин Мангуберди отининг номи. Тарихдан маълумки кўп пахлавонларнинг номини тилга олганимизда албатда унинг улови яни отини ҳам эслаймиз, масалан, Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллаллоҳи алайҳи вассаламнинг отлари Буроқ, Хазрат Алининг отлари Дулдул, Алпомишнинг Отлари Бойчибор, Гўрўғлининг оти Гўркўк, Жалоладдин Мангубердининг эса отининг номи Қора Дали бўлган.

Бу куйнинг яратилиш тарихи шундай бўлганки, кунлардан бир куни Қора Дали оғир дардга чалиниб бетоб бўлиб қолади. Отни кўп табиблар даволашади, аммо у табора оғирлашиб сўлиб бораверади,

Ўз эгасини кўрган Қора Дали кишнашга ҳам ҳоли бўлмай кўзидан ёш тўкиб турарди. “Дўстим Қора Далини қандай бўлмасин даволанглар агар даволай олмасанглар сиз табибларни жазолайман агар дўстим Қора Далини ким ўлди деб хабар олиб келса уни қатл эттираман” - дея Султон кўзида ёш билан отхонадан чиқиб кетади. Орадан бир икки кун ўтгандан сўнг Қора Дали жон таслим қилади. Буни айтишга ҳеч кимни журъат қилолмайди ва бир машшоқ дутор чаладиган бир созанда мен ўз куйим орқали етказаман деб айтади ва чалиб берганидан сўнг Султон кўзига ёш олиб “отим ўлдими” деб ўзи айтади ва шу тариқа бу куй халқимиз орасида “Қора Дали” деб юритилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишда, ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда, уларни эстетик, ахлоқий тарбиялаш тизимини шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз мустақилликка эришгач, миллий кадриятларни ўрганиш, асраш ҳамда ёшлар онгига анъаналаримиз ва миллий меросимизни сингдиришга кенг имкониятлар яратилган бугунги кунда Хоразм мақомлари намуналари, яъни, халфа ва дoston қўшиқларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дутор ижрочилиги машғулотларида Ўзбек халқ мақомлари, қўшиқлари орқали таълим олувчиларни ижро маҳоратларини ошириш ҳамда эстетик тарбиялаш муаммоси ҳозирги кунда ниҳоятда долзарбдир. Ўзбек халқ мақомлари намуналари ва қўшиқлари воситасида таълим олувчиларни ижро маҳоратини шакллантириш ва эстетик тарбиялашда Дутор ижрочилиги машғулотларининг имкониятлари катта. Зеро, Ўзбек халқ мақомлари ва қўшиқларида халқнинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, шунингдек, қахрамонлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби ижобий сифатлари улуғланади. Бу эса халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари билан бевосита боғлиқ.

Дутор ижрочилиги машғулотлари, ўқув дастурлари ва дарсликларига ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб Ўзбек халқ мақомлари, қўшиқлари киритилса, турли усул ва воситалар воситасида Ўзбек халқ мусиқа санъати намуналари ўқувчилар онгига сингдирилса, самарали натижа беришини яққол кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.- 167 б.
2. Абдулла Авланий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1998. – 56 б.
3. Бегматов С. ва бошқалар. Муסיқа маданияти: 6 – синф учун дарслик. - Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 144 б.
4. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. –Т.: Ўқитувчи, 1984. – 128 с.
5. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари.–Т., 2004.-238 б.